

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**АХМЕДОВ ФАРРУХ ХУРШИДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ТАШҚИ САВДОГА  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2018 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Ахмедов Фаррух Хуршидович**

Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатишини  
такомиллаштириш..... 3

**Ахмедов Фаррух Хуршидович**

Совершенствование обслуживания внешнеторговой деятельности  
коммерческими банками в Узбекистане..... 23

**Akhmedov Farrukh Khurshidovich**

Improvement of servicing foreign trade activities by commercial banks in  
Uzbekistan..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**АХМЕДОВ ФАРРУХ ХУРШИДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ТАШҚИ САВДОГА  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2018 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2PhD/Iqt208 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бурханов Ақтам Усманович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Иминов Одилжон Каримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Исмаилов Алишер Агзамович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail:info@bfa.uz.

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail:info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш.Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В.Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., доцент

**Н.М. Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги ҳолатида ташқи савдо операциялари ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилаётганлиги ташқи савдога банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлар ҳажми ошишига сабаб бўлмоқда. Сўнгги 10 йилда (2007-2016 йй.) дунё миқёсида ташқи савдо айланмасининг ўсиш суръати ўртача 14,1 фоизни ташкил этди<sup>1</sup>. 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, молиявий деривативлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 2,8 мартага ошди<sup>2</sup>. Жаҳонда банклар томонидан ташқи савдони молиялаштиришда экспортчиларга кўрсатиладиган хизматларда аккредитивлар юқори салмоқни эгалламоқда. Хусусан, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 38 фоизни, шунингдек, банк кафолатлари 8 фоиз, стэнд-бай аккредитив 17 фоиз, инкассо 17 фоизни ташкил этди. Мос равишда импортчиларга кўрсатиладиган хизматларда ҳам аккредитивлар 39 фоизни, стэнд-бай аккредитив 8 фоиз, банк кафолатлари 18 фоиз, инкассо 14 фоизни ташкил этди<sup>3</sup>. Бу эса, ташқи савдони молиялаштиришда банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар муҳим ўрин тутаётганлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари томонидан ташқи савдога кредит, ҳисоб-китоб ва кафолат хизматлари кўрсатиш кенг тарқалган. Бироқ, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган молиявий глобаллашув шароитида банкларнинг ташқи савдога хизматларини такомиллаштириш борасида АҚШ доллари ва бошқа етакчи валюталарда маблағлар жалб қилиш қимматлашаётган бир пайтда, тижорат банкларининг ташқи савдони кредитлаш имкониятларини ошириш, банклар томонидан ташқи савдони молиялаштириш мақсадларига бериладиган кредитлар баҳосининг ошишини тартибга солиш жараёнлари ва доллардаги баланслашмаган ликвидлик муаммоси чуқурлашишига йўл қўймаслик чораларини кучайтириш, етакчи хорижий валюталар номинал алмашув курсларининг тебраниш диапазонлари кенглиги туфайли экспортчиларнинг экспорт тушуми қиймати пасаётганлиги каби йўналишдаги илмий муаммоларни ҳал этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида, ташқи савдони янада ривожлантириш экспортчи ва импортчи корхоналар фаолиятини молиялаштириш ва узлуксизлигини таъминлаш заруратини юзага келтиради. Бу эса, тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш, жумладан, тижорат банкларининг ҳужжатлаштирилган аккредитивлар таркибини ўзгартириш орқали импортчи корхоналар валюта маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, тижорат банкларида хўжалик юритувчи субъектларнинг импорт тўловларини

<sup>1</sup> International Financial Statistics. Yearbook, 2017. [www.imf.org](http://www.imf.org) (p. 71-74).

<sup>2</sup> World Economic Outlook. [www.world.com](http://www.world.com) (p. 220).

<sup>3</sup> Rethinking trade & finance. ICC, The world business organization annual report, 2016. [www.iccwbo.org](http://www.iccwbo.org) (p.42-43).

овердрафт кредитлари ҳисобидан тўлаш амалиётини жорий этиш, хорижий банкларнинг «Востро» вакиллик ҳисобрақамларини очиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, экспорт таркиби ва географиясини кенгайтириш макроиқтисодий барқарорликни янада мустакамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарур шартларидан бири сифатида эътироф этилди<sup>4</sup>. Шунингдек, 2017 йил 5 сентябрдан бошлаб, юридик шахсларга жорий халқаро операциялар (товар, иш ва хизматлар импорти, фойда репатриацияси, кредитларнинг фоизларини қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо тавсифига эга бўлмаган ўтказмалар) бўйича тўловларни амалга ошириш учун тижорат банкларида хорижий валютани чекловларсиз сотиб олиш имкони берилганлиги<sup>5</sup> ташқи савдони ривожлантириш йўлидаги муҳим кадам бўлди.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида», 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва бошқа ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ равишда ИТД-2 – «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришнинг алоҳида олинган назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – А.Глориозов, Д.Михайлов, Ф.Мишкин, О.Лаврушин, Г.Белоглазова,

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-33-б.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли фармони. Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – 945-модда.

Л.Красавина, Д.Ван-Хуз, С.Моисеев ва Р.Миллернинг илмий изланишларида тадқиқ қилинган<sup>6</sup>.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Т.Бобакулов, Н.Жумаев, А.Исмаилов, Б.Душаев, Т.Расулов ва У.Абдуллаевнинг илмий изланишларида ташқи савдони молиялаштириш ва кредитлашнинг алоҳида олинган назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган<sup>7</sup>.

Аммо ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш масаласи мустақил диссертация тадқиқотининг объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти мавзуси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётининг назарий-ташқилий асосларини тадқиқ қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

банкларнинг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш бўйича илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаб бериш;

Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш ҳамда мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

республикада тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва ушбу амалиётни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш;

---

<sup>6</sup>Глориозов А.Г., Михайлов Д. Внешнеторговое финансирование и гарантийный бизнес. – М.: Юрайт, 2011. – 905 с.; Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – 880 с.; Банковское дело. Учебник. Под ред. Лаврушина. – М.: КОРУС, 2016. – 800 с.; Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: Высшее образование, 2008. – 620 с.; Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные отношения. Учебник. 4-е изд., переработ. и доп. – М.: Юрайт, 2016. – 543 с.; Миллер Л.Р., Ван-Хуз Д.Д. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. – М.: Инфра-М, 2000. – 856 с.; Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения. – М.: Дело и Сервис, 2007. – 815 с.

<sup>7</sup>Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. ... дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 33 б.; Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления. Автореф. дисс. ... д.э.н. – Ташкент, 2001. – 39 с.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. - Т.: Фан ва технология, 2007. – 286 б.; Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. ... дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2016. – 81 б.; Душаев Б.М. Монетарная политика. – Ташкент: Iqtisod-Moliya, 2003. – 120 б.; Расулов Т.С. Халқаро валюта муносабатлари назарияси. Дарслик. – Тошкент: Молия, 2008. – 159 б.; Бобакулов Т.И., Абдуллаев У.А. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Дарслик. – Т.: Sano-standart, 2014. – 232 б.

тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган йирик тижорат банкларининг ташқи савдога хизматлар кўрсатиш амалиёти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тижорат банклари томонидан ташқи савдога хизматлар кўрсатиш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда эксперт баҳолаш усули, корреляцион ва регрессион таҳлил, статистик ва иқтисодий-математик усуллар, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

ҳужжатлаштирилган аккредитивлар таркибида аккредитивнинг стэнд-бай турини жорий этиш орқали тижорат банкларнинг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиёти такомиллаштирилган;

тижорат банклари томонидан валюта бозори инструментларидан фойдаланган ҳолда форвард операцияларини кенгайтириш ҳамда валютавий своп бўйича мавжуд чекловларни олиб ташлаш йўли билан ташқи савдога кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳажмини ошириш таклифи асосланган;

тижорат банкларининг ташқи савдони кредитлаш бўйича валюта рискинни пасайтиришда ташқи савдо шартномаларининг валютавли таркибини қайта кўриб чиқиш, бош захира валюталарда захиралар ташкил қилиш орқали валюта захираларининг диверсификация даражасини ошириш ҳамда очиқ валюта позициялари ҳажмини қисқартириш усуллари тавсия этилган;

тижорат банкларининг ташқи савдога кўрсатадиган ҳисоб-китоб хизмати ва ундан олинадиган даромад ҳажмини оширишда халқаро ҳисоб-китоб шаклларидан комплекс фойдаланиш йўллари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси:**

хорижий банкларнинг «Востро» вакиллик ҳисобрақамларини Ўзбекистон тижорат банкларида очишни рағбатлантириш шартлари асослаб берилган;

республика тижорат банкларининг кафолатига асосланган форфейтинг кредитлари бериш тартиби ишлаб чиқилган;

банклар томонидан импортчиларга бериладиган кредитларнинг фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш йўллари ишлаб чиқилган;

инфляция даражасининг 1 фоизга ошиши ташқи савдони молиялаштириш ҳажмининг 8,6 фоизга камайиши, Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси 1 фоизга ошиши эса, ташқи савдони молиялаштириш даражасининг 0,78 фоизга ошишига сабаб бўлиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таниқли иқтисодчи олимларнинг банклар ташқи савдога хизмат кўрсатиши хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибаларни ўрганиш ва



умумлаштириш, эксперт баҳолаш натижалари ҳамда статистик ва амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Марказий Банки ва тижорат банкларининг статистик маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан келгусида ташқи савдога молиявий хизматлар кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Олинган натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни республикаимиз банкларининг ташқи савдони молиялаштириш тизимидаги ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдога кўрсатадиган хизматларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

экспортчилар ва импортчиларга тўлов топшириқномалари, чеклар, хужжатлаштирилган аккредитивлар, соф ва хужжатли инкассоларнинг халқаро ҳисоб-китоб шаклларида комплекс фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш ҳажми ва олинадиган даромад миқдорини ошириш таклифи «Асака» АТБнинг «Банклараро амалиётлар Департаменти тўғрисида»ги 519а-сонли Низомини ишлаб чиқишда ҳамда АТИБ «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки амалиётида жорий қилинган («Асака» АТБнинг 2017 йил 8 ноябрдаги РК-19-01/12243-сонли ва «Ипотека-банк» АТИБнинг 2018 йил 5 февралдаги 12/876-сонли маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида валюта операцияларидан олинган соф даромад «Асака» АТБда 10,3 фоизга, АТИБ «Ипотека-банк»да 24,5 фоизга кўпайган;

тижорат банклари томонидан экспортчилар ва импортчиларга валюта бозори инструментларидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳажмини ошириш таклифи «Асака» АТБнинг «Банклараро амалиётлар Департаменти тўғрисида»ги 519а-сонли Низомини ишлаб чиқишда инobatга олинган («Асака» АТБнинг 2017 йил 8 ноябрдаги РК-19-01/12243-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида «Асака» АТБнинг форвард операциялари ҳажми 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 10,6 фоизга ошгани ҳолда валютавий своп операциялари бўйича реализация қилинмаган фойдаси 7,3 фоизга камайган;

банклар томонидан ташқи савдони кредитлашда юзага келувчи валюта rischi даражаларининг ошириб кетишига йўл қўймаслик мақсадида валюта захираларининг диверсификация даражасини ошириш ҳамда очик валюта позициялари ҳажмини қисқартириш тавсияси «Асака» АТБнинг «Банклараро амалиётлар Департаменти тўғрисида»ги 519а-сонли Низомини ишлаб чиқишда инobatга олинган («Асака» АТБнинг 2017 йил 8 ноябрдаги РК-19-01/12243-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянинг амалиётга

татбиқи натижасида «Асака» АТБнинг своп операциялари бўйича реализация қилинмаган зарарлар суммаси 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 382 млн. сўмга камайган;

тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш бўйича илғор хориж тажрибаси, хусусан, АҚШ банк амалиётида кенг қўлланилаётган ҳужжатлаштирилган аккредитивнинг стэнд-бай туридан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш бўйича таклифи «Асака» АТБ томонидан амалиётда қўлланган («Асака» АТБнинг 2017 йил 8 ноябрдаги РК-19-01/12243-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида импортчиларнинг ҳисобрақамларидаги валюта маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқоти натижалари 9 та, жу жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 3 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 9 та маъруза ва тезис нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётининг назарий-ташкилий асослари ва хориж тажрибаси**» деб номланган биринчи бобида иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашлари тадқиқ қилинган ва уларнинг амалий аҳамиятига баҳо берилган. Ташқи савдога банклар томонидан хизмат кўрсатишнинг ташкилий асосларига хос хусусиятлар аниқланган ҳамда илғор хориж тажрибаси таҳлил қилинган ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган.

Муаллиф томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ташқи савдони молиялаштиришнинг бирламчи ташкилий асоси банкларнинг ўзаро вакиллик муносабатлари эканлиги, республикамизда асосан таъминланган ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан фойдаланилаётганлиги сабабли «очик

оферталар» назарияси Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан ташқи савдога ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш амалиётининг ҳозирги ҳолати учун амалий аҳамиятга эга эмаслиги асослаб берилган.

Ўз навбатида, «очиқ оферталар» назариясига кўра<sup>8</sup>, аккредитивда кўрсатилган бенефициарга тўланиши ваъда қилинган сумма оферта ҳисобланади ва у акцептлангунга қадар очиқ қолади.

Тараққий этган мамлакатлар банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиёти таҳлили натижалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатадики, АҚШ банкларида ташқи савдога ҳужжатлаштирилган аккредитив орқали ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш амалиёти такомиллашган бўлиб, банклар томонидан очилаётган аккредитивлар ҳажмида стэнд-бай аккредитивлари юқори салмоқни эгаллайди.

### 1-жадвал

#### Bank of America (АҚШ) банки томонидан очилган аккредитивлар миқдори ва уларнинг ҳажмида стэнд-бай аккредитивлари салмоғи<sup>9</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар					2016 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши
	2012	2013	2014	2015	2016	
Банк томонидан очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар, млн. долл.	28674	30198	33550	34961	32074	111,8%
Жами ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ҳажмида стэнд-бай аккредитивлар-салмоғи, %	87,6	89,3	94,3	95,1	90,6	3,0 ф.п.

1-жадвалдан кўринадик, 2012-2016 йилларда Bank of America банки томонидан очилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида стэнд-бай аккредитивларининг салмоғи жуда юқори бўлган. Бу эса, АҚШ банклари учун стэнд-бай аккредитивнинг асосий аккредитив тури эканлигидан далолат беради. Шунингдек, 2016 йилда 2012 йилга нисбатан Bank of America банки томонидан очилган аккредитивларнинг суммаси ва ушбу аккредитивлар ҳажмида стэнд-бай аккредитивларнинг салмоғи ошиши кузатилган.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивларда тўловнинг тўлиқ қафолатланганлиги халқаро ҳисоб-китобларнинг ушбу шаклини импортчи корхоналар учун жозибдорлигини оширади. Тижорат банклари эса ҳужжатлаштирилган аккредитив очганликлари учун юқори ставкада комисион даромад олади.

Тижорат банклари томонидан ташқи савдога кўрсатиладиган хизматларнинг кенг тарқалган турлари, форвард хизмати, валютавий своп ва валюта опционлари бўйича кўрсатиладиган хизматлар ҳисобланади.

2-жадвал маълумотларига кўра, Barclays bank томонидан ташқи савдо субъектларига кўрсатилган дериватив хизматларнинг умумий ҳажмида

<sup>8</sup>Hershey O. (1918). Letters of Credit. – Harvard Law Review. – Vol. 32. – p. 1.

<sup>9</sup>Муаллиф томонидан тузилган. Манба: [www.bankofamerica.com](http://www.bankofamerica.com) маълумотлари.

валютавий своп ва форвард хизматлари юқори салмоқни эгаллайди. Валюта опционлари эса дериватив хизматлар ҳажмида кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса, биринчидан, форвард ва валютавий своп хизматлари билан боғлиқ чиқимларнинг камлиги билан, иккинчидан, валюта опционларининг мижоз учун қиммат хизмат тури эканлиги билан изоҳланади.

## 2-жадвал

### Barclays bank (Буюк Британия) томонидан ташқи савдо субъектларига кўрсатилган дериватив хизматлар таркиби<sup>10</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2012	2013	2014	2015	2016
Форвард хизмати, млн. фунт стерлинг	25670	25504	31883	17613	32442
Дериватив хизматлар ҳажмидаги улуш, %	43,3	42,9	42,9	32,2	41,1
Валютавий своп хизмати, млн. фунт стерлинг	28007	27138	32209	30703	40083
Дериватив хизматлар ҳажмидаги улуш, %	47,3	45,6	43,3	56,1	50,8
Валюта опцион бўйича хизматлар	5581	6858	10267	6436	6338
Дериватив хизматлар ҳажмидаги улуш, %	9,4	11,5	13,8	11,7	8,1

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётининг замонавий ҳолати» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти бўлган тижорат банклари мисолида ташқи савдога банк хизмати кўрсатишнинг амалдаги ҳолатига баҳо берилган ҳамда мавжуд тенденциялар аниқланган, шунингдек, тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётига таъсир этаётган омилларнинг эконометрик таҳлили амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашдаги зарур шартлардан бири ҳисобланади. Биргина 2016 йилда мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси 24,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бунда ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси 453,6 млн. АҚШ долларига тенг бўлди<sup>11</sup>.

Таъкидлаш жоизки, 2017 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 майдаги ПФ-5057-сонли «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ва рақобатдошлигини таъминлашни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, хўжалик субъектларига 2017 йил

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан тузилган. Манба: Barclays PLS. Annual Reports. www.barclays.com маълумотлари.

<sup>11</sup> Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари//Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2017. – №1. – 16-б.

1 январдан бошлаб, ўзлари ишлаб чиқарган товарларни хорижий валютада олдиндан тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмай ҳамда экспорт шартномаларини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз экспорт қилиш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан сўми жорий валюта операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин айирбошлашнинг таъминланиши, шубҳасиз, резидентларнинг ташқи савдо операцияларини ривожлантиришга хизмат қилади.

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси ва унинг таркиби<sup>12</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2012	2013	2014	2015	2016
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ доллари	26416	28269	27530	24924	24309
шундан:					
– экспорт	13599	14322	13545	12507	12178
– импорт	12816	13946	13984	12416	12130

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, 2013-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси миқдорининг камайиш тенденцияси кузатилган бўлиб, ушбу ҳолат салбий баҳоланади (3-жадвал). Мазкур тенденция таҳлил қилинган давр мобайнида экспорт ҳамда импорт ҳажмининг ҳам қисқарганлиги билан изоҳланади.

### 4-жадвал

#### АТИБ «Ипотека банк» томонидан экспорт операцияларида фойдаланилган ҳужжатлаштирилган аккредитив шакллари, млн. АҚШ долл.<sup>13</sup>

Йиллар	Очилган аккредитивлар сони	Аккредитив суммалари	Бир аккредитивга тўғри келадиган сумма
2010	48	320,76	6,6
2011	59	373,06	6,3
2012	58	306,39	5,2
2013	51	254,27	4,9
2014	44	191,13	4,3
2015	35	201,55	5,7
2016	51	46,88	0,9

Таҳлил натижалари кўрсатадики, 2012-2014 йилларда АТИБ «Ипотека-банк»да экспорт бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар

<sup>12</sup>Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдоси. [www.stat.uz](http://www.stat.uz).

<sup>13</sup>Муаллиф томонидан тузилган. Манба: [www.ipotekabank.uz](http://www.ipotekabank.uz) маълумотлари.

суммасининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бундан ташқари, 2016 йилда АТИБ «Ипотека-банк» томонидан экспорт аккредитивлари суммаси 2015 йилга нисбатан кескин камайган (4-жадвал). Бу эса, банкнинг ташқи савдога ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

#### 5-жадвал

**«Асака» АТБ томонидан мижозларнинг экспорт шартномалари бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ҳажми ўзгариши, млн. АҚШ долл.<sup>14</sup>**

	Йиллар						
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ҳажми	39,46	5,30	29,27	30,12	9,91	18,03	10,88
Бир аккредитивга тўғри келадиган сумма	2,5	1,0	5,3	3,8	0,7	0,5	0,3

5-жадвал маълумотларига кўра, «Асака» АТБ томонидан мижозларнинг экспорт шартномалари бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг жами суммаси ҳамда бир аккредитивга тўғри келадиган сумма 2016 йилда 2010 йилга нисбатан кескин камайган. Бу эса, «Асака» АТБ нинг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Шунингдек, 2010-2016 йилларда «Асака» АТБ томонидан мижозларнинг экспорт шартномалари бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар жами суммаси ва бир аккредитивга тўғри келадиган сумманинг нобарқарорлиги кузатилган. Масалан, 2011 йилда «Асака» АТБ томонидан экспорт бўйича очилган жами ҳужжатлаштирилган аккредитивлар суммаси 5,30 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2012 йил якунига келиб, 29,27 млн. АҚШ долларига тенг бўлди ёки 2013 йилда экспорт шартномалари бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг жами суммаси 30,12 млн. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда 2014 йилда ушбу сумма 9,91 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Бу эса, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар орқали кўрсатиладиган тўлов хизматини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан мақсадга мувофиқ эмас.

#### 6-жадвал

**«Асака» АТБ томонидан мижозларнинг импорт шартномалари бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ҳажми ўзгариши, млн. АҚШ долл.<sup>15</sup>**


	Йиллар						
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ҳажми	1438,89	1196,80	1335,92	1360,04	994,32	718,17	800,21
Бир аккредитивга тўғри келадиган сумма	2,9	1,9	2,4	2,0	1,6	1,4	2,3

<sup>14</sup>Муаллиф томонидан тузилган. Манба: [www.asakabank.uz](http://www.asakabank.uz) маълумотлари.

<sup>15</sup>Муаллиф томонидан тузилган. Манба: [www.asakabank.uz](http://www.asakabank.uz) маълумотлари.

6-жадвал маълумотларига кўра, «Асака» АТБ томонидан мижозларнинг импорт шартномалари бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг жами суммаси 2016 йилда 2010 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган (44,4%). Бу эса, «Асака» АТБнинг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади.

Аммо, бир ҳужжатлаштирилган аккредитивга тўғри келадиган аккредитив суммаси 2016 йилда 2010 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган (0,6 млн. доллар). Бу эса, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича тўловлар ҳажмининг йириклашганлиги билан изоҳланади. 2016 йилда импорт шартномалари бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар сони 2010 йилга нисбатан 46,1 фоизга ёки қарийб 2 баробарга камайди.



**1-расм. Акциядорлик-тижорат «Асака» АТБнинг ташқи савдога хизмат кўрсатишдан олган соф даромадлари миқдори, млн. сўм<sup>16</sup>**

1-расмдан кўринадики, 2012-2014 йилларда «Асака» АТБнинг ташқи савдога хизмат кўрсатишдан олган соф даромадлари миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, унинг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. 2015 йилда «Асака» АТБнинг ташқи савдога хизмат кўрсатишдан олган соф даромадлари миқдори 2014 йилга нисбатан сезиларсиз даражада камайган, аммо 2016 йилда ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки томонидан очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида ташқи савдо муносабатлари субъектларининг импорт операциялари бўйича очилган аккредитивлар юқори салмоқни эгаллайди (7-жадвал).

Жадвал маълумотларига кўра, ТИФ Миллий банки томонидан импорт бўйича очилган аккредитивлар суммаси 2010-2013 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, 2014 йилда ушбу кўрсаткичнинг 2013 йилга нисбатан кескин пасайиши кузатилган.

ТИФ Миллий банкининг 2014-2016 йилларда ташқи савдога хизматлар амалиётини таҳлил қилиш натижаларига кўра, импорт операциялари бўйича аккредитивларнинг сони ва суммалари бўйича катта силжишлар рўй

<sup>16</sup>Муаллиф томонидан тузилган. Манба: [www.asakabank.uz](http://www.asakabank.uz) маълумотлари.

бермаган. Аммо, экспорт операцияларида эса, уларнинг сони 2014 йилда 527 тани ташкил этиб, суммаси 861 млн. АҚШ долларини қайд этган бўлса, ушбу рақамлар 2015 йилга келиб, 733 тага етиб, уларнинг суммаси 786 млн. АҚШ долларига пасайган. 2016 йилда эса, ушбу ҳар иккала кўрсаткичда ҳам пасайиш тенденциялари кузатилган. Бунинг асосий сабаби савдо ҳажмлари пасайиши ва умумий экспорт шартномаларида аккредитивларга кам мурожаат этилганидир.

2010-2012 йилларда ТИФ Миллий банки томонидан экспорт бўйича очилган аккредитивлар суммасининг ўсиш тенденцияси кузатилган (7-жадвал). Бу эса экспортчи субъектларга ҳисоб-китоб хизмати кўрсатишни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо, 2013 йилда мазкур аккредитивлар суммасининг 2012 йилга нисбатан сезиларли даражада камайиши кузатилган бўлиб, бу ҳолат банк фаолияти учун салбий ҳисобланади.

**7-жадвал**

**ТИФ Миллий банки томонидан АҚШ долларидан очилган  
ҳужжатлаштирилган аккредитивлар таркиби<sup>17</sup>**

<b>Импорт операциялари бўйича очилган аккредитивлар</b>		
<b>Йиллар</b>	<b>Сони</b>	<b>Суммаси (млн. АҚШ долл.)</b>
2010	831	570,6
2011	799	682,8
2012	825	784,1
2013	847	916,5
2014	712	778,7
2015	660	752,4
2016	727	706,8
<b>Экспорт операциялари бўйича очилган аккредитивлар</b>		
<b>Йиллар</b>	<b>Сони</b>	<b>Суммаси (млн. АҚШ долл.)</b>
2010	622	937,3
2011	242	844,7
2012	414	1084,7
2013	415	898,6
2014	527	861,8
2015	733	786,6
2016	351	416,2

Диссертациянинг ушбу бобида тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётига таъсир этаётган омилларнинг эконометрик таҳлили амалга оширилди.

Ташқи савдони молиялаштириш учун хорижий валюталарда берилган кредитларнинг банклар жами кредит қўйилмаларидаги улуши тобе ўзгарувчи сифатида белгилаб олинди (Y ўзгарувчи). Мустақил ўзгарувчилар сифатида инфляциянинг йиллик даражаси (X1), Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси (X2), миллий валютанинг АҚШ долларига

<sup>17</sup>Муаллиф томонидан тузилган. Манба: [www.nationalbank.com](http://www.nationalbank.com). маълумотлари.



нисбатан йиллик девальвация суръати (X3), хорижий валюталардаги депозитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари (X4) олинди.

Маълумотлар VIF (Variance Inflation Factors) тести орқали текширилди ва мультиколлинеарлик муаммоси мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Маълумотлар вақт қаторлари (time series) кўринишида бўлганлиги учун моделнинг ушбу ўзгарувчилар табиатига энг мосини топиш учун ҳар бир ўзгарувчининг стационар ёки стационар эмаслигини аниқлаш мақсадида Аугментед Диккей Фулер (Augmented Dickey-Fuller test statistic) тести ўтказилди.

## 8-жадвал

### Стационарликни аниқлаш учун амалга оширилган Аугментед Диккей Фулер тести

Ўзгарувчилар	t-статистикаси	p-қиймат	Натижа
<b>Даражада (Level)</b>			
Y	-0.952990	0.2781	Стационар эмас
X1	-0.399066	0.8701	Стационар эмас
X2	-0.066837	0.9255	Стационар эмас
X3	-2.144243	0.2343	Стационар эмас
X4	-3.615775	0.0303	Стационар
<b>Биринчи фарқда (First difference)</b>			
Y	-4.422977	0.0008	Стационар
X1	-4.645481	0.0093	Стационар
X2	-4.466163	0.0500	Стационар
X3	-4.777520	0.0103	Стационар
X4	-3.382840	0.0461	Стационар
<b>Иккинчи фарқда (Second difference)</b>			
Y	-7.236127	0.0010	Стационар
X1	-3.353641	0.0599	Стационар эмас
X2	-4.713135	0.0147	Стационар
X3	-3.565895	0.0476	Стационар
X4	-9.642556	0.0003	Стационар

Аугментед Диккей Фулер тести натижасида барча ўзгарувчилар ҳам стационар бўлмаганлиги туфайли оддий узоқ муддатли боғлиқликни ифода этувчи регрессияни ўтказиш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланди. Барча ўзгарувчилар биринчи фарқда стационарлиги туфайли ўзгарувчилар ўртасида коинтеграция мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириш лозим. Коинтеграцияни амалга оширишдан аввал қоидага кўра, энг оптимал лаглар, яъни йиллар оралиғини топиши керак. Шу туфайли, Вектор авторегрессия (Vector Autoregression Estimates) тестини ўтказилди. Бунда асосий критерий сифатида Акаике (Akaike AIC) критерийси танланди.

Натижада AIC га кўра энг яхши лаглар варианты бу икки йиллик лаг эканлиги аниқланди. Яъни ўз моделимизда мустақил ўзгарувчиларнинг тобе ўзгарувчига икки йиллик фарқ билан таъсир этиш даражасини баҳолаш керак.

Йохансен (Johansen) коинтеграция тестини ўтказиш натижасида ўзгарувчилар ўртасида коинтеграция, яъни узоқ муддатли боғлиқлик мавжуд

эмаслиги аниқланди ва шу туфайли қоидага кўра қисқа муддатли таъсирни ўрганиш учун Чекланмаган вектор авторегрессия (Unrestricted VAR) моделидан фойдаланиш керак.

VAR тизимида ҳар бир ўзгарувчининг ўзаро икки йиллик ва бир йиллик фарқ билан регрессиялари комбинацияларини ўтказиш натижасида статистик жиҳатдан аҳамиятлилиги юқори бўлган ўзгарувчиларгина моделда таҳлилни давом эттириш учун қолдирилди.

Ҳар бир ўзгарувчи қуйида келтирилган моделлар кўринишида бирма-бир тобе ўзгарувчи сифатида кўриб чиқилди:

